

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ҚЎЗҒАТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАХЛИЛИ

Рустамов Санжар Сухробович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20394681>

Бугунги кунда ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг аниқлаштирилмаган қисми айнан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддаси билан боғлиқ ҳисобланади.

Гап шундаки, 280-моддасидадаги бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш қонунчилик билан зиммасига юклатилган тегишли органларни аниқлаштириш учун бир қатор қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилишни талаб қилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245-моддасига биноан Жиноят ишлари бўйича судлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.

Бузилиши юқоридаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини келтириб чиқарадиган қоидаларни ҳамда ушбу қоидалар устидан қайси органлар назорат олиб боришини аниқлаш талаб этилади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40, 41, 41¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида тухмат, 41-моддасида ҳақорат қилиш ҳамда 41¹-моддасида шахвоний шилқимлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар шахснинг шаъни, кадр-қиммати ҳамда обрўсини ҳимоя қилишга оид қоидаларни бузиш натижасида келиб чиқади. Хўш, шахснинг шаъни, кадр-қиммати ҳамда обрўсини ҳимоя қилишга оид қоидаларнинг устидан қайси органлар назоратни амалга оширади? “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Демак, шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўсига оид қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий баённома ички ишлар органлари томонидан расмийлаштирилади ҳамда тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда жиноят ишлари бўйича судларга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Россия Федерациясининг энг аҳамиятли тажрибаси шуки, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 28.3-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузишга ваколатли мансабдор шахслар белгиланган. Ушбу модданинг аҳамияти шундаки, судлар томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий

ишларни судларга қадар қайси орган (мансабдор шахслар) кўриб чиқиши аниқ белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 279-моддасида бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш қонунчилик билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузилиши назарда тутилган. Аммо айнан қайси моддалар бўйича қайси органлар маъмурий баённома тузиши аниқ назарда тутилмаган.

Россия Федерациянинг юқоридаги тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 280-моддасига аниқлик киритиш зарур.

Бизнинг назаримизда, ички ишлар органлари фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатлари таҳлили асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган айрим ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар судга қадар ички ишлар органлари томонидан юритилиши лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасида ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар белгиланган.

Унга кўра, ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қўйидагилар ҳақли:

туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари;

метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки бошлиғи ўринбосарлари;

темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари;

ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор-психологлари ва инспектор-психологлари;

йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг (Бош бошқармасининг) бошлиғи, унинг ўринбосарлари, йўл-патруль хизматини ҳамда маъмурий амалиётни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи, муҳим топшириқлар бўйича бош инспектор, инспектор (маъмурий амалиёт бўйича), маъмурий амалиёт бўлинмасининг (бўлимининг) бошлиғи, маъмурий ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш бўйича бош инспектор, катта инспектор (инспектор), йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг (бўлинмасининг) бошлиғи, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг катта инспектори ва йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича

¹ Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях // <https://base.spinform.ru>.

инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлимнинг бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, сафарбар гуруҳи) командири ёки командирининг ўринбосари;

йўл-патруль хизматининг катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар

Шундай қилиб, ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг икки хил асосий шакли амал қилади:

Биринчиси – судга қадар маъмурий орган томонидан кўриб чиқиладиган амалиёт.

Иккинчиси – суд тартибида кўриб чиқиладиган амалиёт.

Шунингдек, агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, жиноят ишлари бўйича судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш босқичлари қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланмаган. Шу билан бирга ишни кўриб чиқиш босқичлари, далилларни аниқлаш, уларни расмийлаштириш ва уларга баҳо берган ҳолда қарор қабул қилиш амалиёти аниқ тартибга солинмаган.

Хусусан бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш босқичи аниқ белгиланмаган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг фақат битта модасида 275-моддада прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширар экан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эканлиги назарда тутилган. Аммо бошқа ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида нормалар мавжуд эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига кўра қуйидагилар қонунчилик бузилганлиги тўғрисида иш қўзғаш учун асос ҳисобланади:

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда назорат функцияларининг амалга оширилиши, шунингдек ўрганиш давомида ҳуқуқни бузиш белгилари мавжудлигини кўрсатувчи етарлича маълумотларнинг бевосита аниқланиши;

давлат органлари, маҳаллий давлат органлари ва бошқа органлардан тушган ахборот, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, оммавий ахборот

воситаларидаги ҳуқуқ бузилиши белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлган хабарлар¹.

МДХга аъзо мамлакатларининг қонунчилигида эса маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўзғатишнинг аниқ асослари белгиланган. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 802-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўзғатилиш асослари сифатида куйидагилар белгиланган¹:

1) ваколатли мансабдор шахс томонидан ушбу модданинг учинчи қисми қоидаларини ҳисобга олган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш фактини бевосита аниқлаш;

2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, шунингдек бошқа давлат органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан олинган материаллар;

3) жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарлари ёки баёнотлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларидаги хабарлар;

4) махсус автоматлаштирилган ўлчаш воситаларининг, шунингдек сертификатланган махсус назорат-ўлчов техникаси ва кузатув воситаларининг, шу жумладан автоматик режимда ишлайдиган ва автотранспорт ва йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини фото ва видеотасвирлар орқали қайд этувчи асбобларнинг кўрсаткичлари. йўл ҳолатини қайд этиш, транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги ва йўналишини, бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатларини аниқлаш;

5) асбоб-ускуналар ва (ёки) радио бошқарув аппаратларининг кўрсаткичлари.

Илмий тадқиқотда ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда инсон ҳуқуқларини таъминлашда ишни юритишнинг процессуал босқичи талабларига аниқ амал қилиниши кераклигини баён этилади². Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда расман маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейингина унда иштирок этувчилар ўзларининг ҳуқуқий мақомларига, аниқ ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади, деган фикрни ўртага ташлаш ўринли деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш учун ҳам аниқ асослар бўлиши керак. Нега деганда маъмурий орган исталган вақтда ўзининг субъектив манфаатларидан келиб келиб чиқиб маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошламаслиги керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом// <https://lex.uz/docs/878462#2018592>.

¹ Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 года №235-V ЗРК // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=68438.

² Грешаев А.Н. Обеспечение прав граждан при назначении органами внутренних дел административных наказаний: автореф. дис...кан. юрид. наук. – М., – 2008. – С. 27.